

**ЎҚУВЧИЛАРДА КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНГАНЛИГИНИ БАҲОЛОВЧИ МЕЗОНЛАР**

Т.Ч.Алибоев

*Жиззах ДПУ “Технологик
таълим методикаси” кафедраси доценти.*

Аннотация: Таълим жараёни ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришида кенг имкониятларга эга. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш бу борада қўлланган натижаларни қўлга киритишга хизмат қилади. Фан ўқитувчилари тегишли фазилатларнинг ривожланганлик даражасини баҳоловчи мезонларга эга бўлиши ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантириш йўлидаги амалий ҳаракатларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлайди. Мақолада ўқувчиларнинг креативлик сифатларининг ривожланганлигини баҳоловчи мезонлар ҳақида сўз юритилган.

Таянч тушунчалар: ўқувчилар, креативлик, креативлик сифатлари, креативлик сифатларининг ривожланганлиги, баҳолаш, мезон, баҳоловчи мезонлар.

Аннотация: Образовательный процесс обладает широкими возможностями в развитии у учащихся качеств креативности. Эффективное использование имеющихся возможностей служит для получения ожидаемых результатов в этом отношении. Наличие у учителей-предметников критериев, оценивающих уровень развития соответствующих качеств, обеспечивает последовательность и эффективность практических действий по развитию у учащихся качеств креативности. В статье рассматриваются критерии оценки развития творческих качеств учащихся.

Базовые понятия: учащиеся, креативность, качества креативности, развитие качеств креативности, оценка, критерий, критерий оценки.

Annotation: The educational process has ample opportunities for developing students' creativity. Effective use of these opportunities leads to the expected results in this regard. Subject teachers have criteria for evaluating the level of development of relevant qualities, which ensures consistency and effectiveness in practical actions aimed at developing students' creativity. This article discusses the criteria for evaluating the development of students' creativity.

Key concepts: students, creativity, creativity qualities, development of creativity qualities, evaluation, criterion, assessment criterion.

Бугунги кунда шахсни шакллантириш, ривожлантириш ва ижтимоийлаштириш муаммоларини тадқиқ этувчи соҳалар – социология, педагогика ҳамда психологияда “иждокорлик” тушунчаси билан бир қаторда “креативлик” атамаси ҳам қўлланилиб, баркамолликни ифодаловчи асосий сифатлар тарзида ифода этилмоқда.

Шахсда креативликни ривожлантиришда самарали бўлган омиллар қаторида яна қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: кенг кўламдаги, шу жумладан, катта ёшли ижодкорлар билан мулоқот; тақлид қилишга имкон берувчи образ сифатида катта ёшлилар муҳитининг мавжудлиги; ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг демократик услубга асосланганлиги; болага ўз фикрини билдириш имкониятини бериш; катта ёшлиларнинг фаол, амалий позицияси; болани жуда ёшлигиданок меҳнат қилишга ўргантиш; турли тўғаракларга аъзо бўлишини таъминлаш орқали болада ижодкорлик сифатларини изчил ривожлантириб бориш; болага шахсий тажриба, саёҳат орқали борлиқни англаш қувончини ҳис қилишига имкон бериш; боланинг тадқиқотчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш [2].

Маълумки, шахсга хос ҳар бир сифат муайян белгилар асосидат намоён бўлади. Педагогика ва психология йўналишларида тадқиқотчилар томонидан шахс креативлигини белгиловчи сифатларни аниқлаш, тизимлаштиришга эътибор қаратилган. Хусусан, О.В.Буторина [1] турли муаллифлар томонидан илгари сурилган фикрларга таянган ҳолда креативлик негизида акс этувчи белгиларни қуйидагича тизимлаштирган: ижодий лаёқатга эгалик; интеллектуал ижодкорлик; оригиналлик, ўзига хослик; бевосита боғланмаган ассоциация; яхлит тизим таркибий тузилмасининг қайта ўзгартирилиши; ахборотнинг одатий бўлмаган ҳолда (махфийлаштирилиши) кодлаштирилиши; дивергент тафаккур (тафаккурнинг кўчиши); ички зиддиятлар натижаси (ёки ички зиддиятнинг йўқлиги); мавжуд билимлар доирасидан чиқиш; муаммоли вазиятни тезкор ҳал қилишга имкон берувчи ноанъанавий фикрлаш ва бошқалар [1].

Патти Драпеау [4] нуктаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади.

Ҳар томонлама фикрлаш талабалардан ўқув топшириғи, масаласи ва вазифаларини бажаришда қўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда бир томонлама фикрлаш эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди. Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва кўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этади. Яъни, топшириқни бажариш, масалани ечишда талаба ечимнинг бир неча вариантини излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш).

Бизнинг фикримизга кўра, шахсда креативлик сифатларини ривожлантиришда уни фикрлашга, маълумотларни умумлаштиришга, таҳлил этишга, турли мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга ёшликдан одатлантиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Креативлик фикрий эркинликни тақозо этади. Бунинг учун шахс фикрлаш жараёнида таҳлилга эътибор қаратмаган ҳолда дастлабки талқинни баён эта

олиши зарур. Таълим жараёнида интерфаол характердаги “Ақлий хужум” методини қўллашда ҳам айнан мана шу мақсад кўзланади. Белгиланган талабга кўра, таълим олувчилар асос қилиб олинган жараён, объект, предмет ёки ҳодисанинг моҳиятини денотация (бевосита тааллуқли) тушунчалари билан эмас, балки коннотация (кўчма маъноларини ифодаловчи) атамалари (масалан, тулки баҳо берилганда “айёр”, қуён намоён бўлганда “кўрқоқ”, бўри ҳақида сўз борганда “очкўз”, оққуш ёритилганда “садоқат” каби тушунчалар қўлланилади).

Ўсмир ҳамда ўспиринларнинг билим даражаси, ҳаётий тажрибасини инобатга олган ҳолда уларни креатив фикрлашга одатлантириб бориш мақсадга мувофиқдир. “Креативликни ривожлантириш учун алоҳида психологик тайёргарлик тақозо этилади. Борди-ю, шахс ўзини омадли ҳисобласа, мазкур ишонч уни янги ғояларни ишлаб чиқарувчи генераторга айлантиради. Кўркув, иккиланиш ва онг остидаги негатив кўрсатма ижодий ғояларни инкор этишга хизмат қилади” [3]. Шунга кўра, гарчи ўсмир ва ўспиринлар ўзларининг билим даражаси ва ҳаётий тажрибаларига кўра баҳолаш объектига муносабат билдиришда реалликка, денотацияга таяниб иш кўришса-да, изчил равишда бир масаланинг ечимини топишга ҳар томонлама ёндашиш, турли ечим вариантларини топишга ундаш, ечим юзасидан билдираётган фикрини асослашга даъват этиш, масаланинг ечими бўйича камида бешта мантикий фикр айта олиш масаласини ҳосил қилиб бориш уларда креативлик сифатларини самарали ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўқув фанлари ўқувчиларда креативликни ривожлантиришда ўзига хос ўрин тутади. Зеро, ижтимоий, гуманитар, табиий ёки амалий характерга эга бўлишидан қатъи назар ўқув фанлари бўйича ташкил этиладиган машғулотларда ўқувчиларга бериладиган топшириқлар уларни фикрлашга, ўйлашга, мантикий тафаккур юритиш, ўрганилаётган мавзу бўйича оригинал фикрларни илгари суришга ундайди.

Тадқиқотни олиб боришда Т.Ф. Башина, О.В.Буцик, Т.И.Виноградова (Грицай), А.Г.Герцов, Дж.П.Гильфорд, В.М.Голубова, В.Н.Дружинин, И.А.Малахова, Т.С.Мамонтова, Е.Л.Содатова, Е.Туник, М.Ҳ.Усмонбоева, П.Дрепеау (Patti Drapeau), Эллис Пол Торренс каби тадқиқотчиларнинг нуқтаи назарларига таянган ҳолда креативлик сифатларига эга, яъни, креатив томонидан ташкил этиладиган ҳаракатлар тизимини ҳам ўрганишга эътибор қаратилди. Ўрганиш натижасига кўра креатив шахс томонидан қуйидаги ҳаракатлар тизимини ташкил этилади, деган хулосага келинди: янгиликни ҳис қила олиш, креативлик сифатларини намоён қилишга интилиш, ижодий муҳитни ҳис қилиш, объектнинг таркибий тузилмасини қайта шакллантириш, ўз-ўзини ижобий баҳолаш, ўз кучи, имкониятларига ишониш, гўзалликни севиш туйғусига эгалик, бир муаммодан бошқасига ассоциатив кўчиш, алоҳида элемент (ғоя)лар ўртасидаги ўхшашликларни топишга интилиш, бир ғояни билвосита ўзгача талқинда ифодалаш, ўзининг ва ўзгаларининг ҳаёлий, янги ва ғайриоддий ғояларини қабул қилиш, ноаниқ, мураккаб

вазиятларга нисбатан юқори даражада ижобий муносабатда бўлиш, ноаниқ, мураккаб вазиятларда конструктив фаоллик кўрсатиш.

Маълумки, ҳар қандай маҳсулот сифати ва амалий қиймати муайян мезонлар асосида баҳоланади. Тадқиқот жараёнида креатив маҳсулотнинг сифати ва амалий қиймати қандай мезонларга кўра баҳоланади, деган саволга ҳам жавоб топилди. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотнинг етакчи назарий ғоялари, педагогик кузатиш натижалари, қолаверса, креатив маҳсулотнинг умумий тавсифи унинг сифати ва амалий қийматини қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳолаш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлади:

1. Мукамаллик (креатив ғоянинг ҳар томонлама пухта асосланганлиги; креатив маҳсулотнинг шакл, ранг, фазовий ва композицион жиҳатларининг ўзаро мутаносиблиги).

2. Мазмун ва шакл уйғунлиги (креатив ғоянинг пухта назарий асосга эгалиги, мантикий якунланганлиги; назарий ғоянинг креатив маҳсулот шаклий тузилмасида ўз ифодасини топганлиги).

3. Ўзига хослик (бошқалар томонидан билдирилмаган креатив ғоянинг илгари сурилганлиги; бошқалар “қўл урмаган” мавзу, ғоя бўйича креатив маҳсулотнинг яратилганлиги).

4. Тугалланганлик (яқунига етганлик; креатив ғоя мазмунида бошланғич, якуний фикрий ҳаракат (операция)ларнинг тугал ифодаланганлиги; креатив маҳсулотда барча деталларнинг тўлиқ яқунига етказилганлиги).

5. Ҳиссий-эстетик таъсирга эгалик (креатив ғоя ва маҳсулотнинг ҳиссий ифодаланганлиги ва атрофдагиларга эстетик таъсир эта олиши).

6. Мавжуд ҳиссий-эстетик эҳтиёжни қондира олиш (креатив ғоя ва маҳсулотнинг ижтимоий субъектларда ҳиссий кечинмаларни уйғота олиши ва эстетик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши).

7. Амалий қийматга эгалик (креатив ғоя, маҳсулотнинг шахслараро ижтимоий, иқтисодий, маданий муносабатларни ташкил этишга хизмат қилиши).

Педагогик ва психологик йўналишларда илмий тадқиқотларни ташкил этишда муҳим жараён мавжуд бўлиб, бу жараён синов учун тавсия этилган дастур бўйича респондент сифатида танланган ўқувчиларда назарий билим ёки амалий кўникма-малакаларнинг шаклланганлик даражасини баҳолашга имкон берадиган мезон ҳамда даража кўрсаткичларини ишлаб чиқиш саналади. Мезон ва даража кўрсаткичларини ишлаб чиқишда танланган муаммо ечимини белгиловчи назарий тамойиллар ҳамда респондент-ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатлари (фаолияти)да намоён бўлувчи асосий белгилар инобатга олинади. Шунга кўра мезон ва даража кўрсаткичларининг ўз моҳиятига кўра татқиқ этилаётган жараённинг умумий моҳиятини яққол акс эттира олиши талаб этилади.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг кечишини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, асосий, муҳим ҳолатларни таҳлил қилиш, респондент-ўқувчилар фаолиятини бевосита кузатиш натижасида қуйидаги мезонлар ёрдамида тажрибадан аввалги ва кейинги вазиятларни объектив баҳолаш мумкин деган фикрга келинди:

1. Креатив сифатларга эгалик.
2. Ўзига хос креатив ғояларни асослаш малакасига эгалик.
3. Фаолиятга креатив ёндашиш лаёқатига эгалик.
4. Креатив маҳсулотларни яратиш қобилиятига эгалик.

Шахснинг ривожланишига қўйиладиган замонавий талабларга кўра муайян сифатнинг шаклланиш ёки ривожланиш даражаси, респондент-ўқувчилар томонидан қайд этиладиган кўрсаткичлари тегишли тадқиқот натижаларини баҳолаш имконини берадиган мезонларга мос келиши ҳамда муайян даража кўрсаткичларини ифодалай олиши зарур. Тадқиқотни олиб бориш даврида “Технология” дарсларининг дидактик имкониятларига таянган ҳолда ўқувчиларнинг креативлик сифатлари, ўзига хос креатив ғояларни асослаш малакаси ҳамда креатив маҳсулотлар яратиш қобилиятига эгаликлари англаш (назарий билимларга эгалик), амалий-фаолиятли (бажариш; амалий кўникма ва малакаларга эгалик) ва рефлексив-баҳолаш (ўз-ўзини таҳлил асосида креативлик сифатларга эга бўлишни назорат ва таҳлил қилиб бориш) ҳолатлари паст, ўрта ва юқори даражада ривожланган бўлиши тадқиқотнинг самарали бўлганлигини тасдиқлаши зарур, деган қарорга келинди. Ушбу қарорга кўра “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатлари ривожланганлигини ифодаловчи даража кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

1) юқори даража – креатив сифатларга эга ва уларни изчил такомиллаштириб боради; ўзига хос креатив ғояларни асослаш малакасига эга; фаолиятга креатив ёндаша олади; мураккаб ечимларга эга креатив маҳсулотларни ярата олади;

2) ўрта даража – креатив сифатларни изчил ўзлаштириб боришга ҳаракат қилади; пухта асосланмаган бўлса, ўзига хос креатив ғояларни илгари суришга, шунингдек, фаолиятга креатив ёндашишга интилади; баъзан мураккаб бўлмаган ечимларга эга креатив маҳсулотларни ярата олади;

3) паст даража – креатив сифатларни ўзлаштириб боришга ҳаракат қилади; баъзан пухта асосланмаган бўлса-да, ижодий ғояларни илгари суришга интилади; фаолиятга креатив ёндашишда қийинчиликка дуч келади, шу сабабли креатив маҳсулотларни яратишга қаратилган ҳаракати кутилган натижани бермайди.

Шундай қилиб, шахснинг муайян сифатларга эгалиги ташхис методлари ва воситалари ёрдамида аниқланади. Бунда ташхис методлари ва воситаларининг самарали бўлиши муҳим аҳамият эга. Бироқ, шахснинг муайян сифатларга эгалигини ташхислашда, энг аввало, унинг мавжудлиги ёки ривожланганлиги (шаклланганлиги)ни баҳолаш имкониятини таъминловчи мезонлар ҳамда даража

кўрсаткичларини аниқ белгилаб олиш педагогик-психологик фаолиятни тўғри, оқилона ташкил этиш, натижаларни холис баҳолашга ёрдам беради. Шу боис шахсда муайян сифатларга эгаликни баҳоловчи мезонларни асослаш муҳим аҳамият касб этади. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитувчиларнинг ўқувчиларда креативлик сифатларининг ривожланганлик даражасини баҳоловчи мезон ва даража кўрсаткичларига эга бўлиши улар томонидан таълим олувчиларнинг креатив фаолияти натижаларининг холис баҳоланишига имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Буторина О.В. Кросскультурное исследование креативности в управленческом потенциале руководителя / “Психология XXI века». Мат.международной научно-практ.конференции студентов и аспирантов. – СПб.: СПбГПИ, 2003. – С. 277.
2. Жолдасбеков А.А., Ажибеков К.Ж., Мамбетов М.К., Жолдасбекова К.А., Сихымбаев К.С. Развитие креативного мышления студентов в процессе обучения // Международный журнал экспериментального образования. – м.: 2015. – № 2-2. – С. 136-137.
3. 8 способов развить креативное мышление // <https://style.rbc.ru/beauty/5c34bf629a7947c6fcelafdd>.
4. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 9.